ИНГЛИЗ ТИЛИНИНГ БЎҒИН СТРУКТУРАСИ ВА ТАЛАФФУЗ МЕЪЁРИ

С.СОЛИЖОНОВ

В данной статье рассматриваются некоторые особенности силлабической структуры слова, соотношение орфографических и орфоэпических типов слогов и их произносительные нормы, а также приводятся рекомендации по обучению английскому произношению в узбекской аудитории.

This article is devoted to some problems of the syllabic structure of the English words, correlations between orthoepic and orthographic types of syllables and some methods of teaching the English words to Uzbek learners.

Ўқитиш жараёнининг бошланғич босқичида асосий вазифа чет тилининг фонетик хусусиятлари, морфологик ва лексик ҳамда синтактик қурилишлари хақида элементар тушунчалар беришдан иборат бўлса, кейинги босқичда ўша тушунчаларни кенгайтириб ва чуқурлаштириб бориш тақозо этилади. Бунда ҳар қандай фонетик ёки грамматик ҳодиса ўша тилдаги лексик бирликни таҳлил қилиш ва уни она тилимиздаги ҳодисалар билан қиёслаш натижасида тушунтирилмоғи керак. Лексик бирликларнинг талаффузини қиёслаш қизиқарли натижаларни бериш билан бирга тилнинг фонологик системаси учун бегона бўлган элементларни аниқлашда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ўқитиш жараёнининг бошланғич босқичидаёқ инглиз тилидаги лексик бирликларнинг, асосан, сўзларнинг фонетик хусусиятлари ҳақида, уларнинг орфографик ва орфоэпик системалари муносабатлари ҳамда бу системаларнинг бир-бирига тўла мос келмаслиги ҳақида сўз юритилади.

Бошқа тилларда бўлгани каби, инглиз тилида ҳам унинг товуш системаси, энг аввало, икки катта гуруҳга – унли ва ундошларга бўлинади [1.81-132]. Инглиз тилидаги йигирмата унли фонема орфографияда фақатгина олтита графема билан ифодаланса, йигирма тўртта ундош фонема нисбатан озроқ – йигирмата графема билан ифодаланади. Ўзбек тилининг товуш системасида эса бундай номутаносиблик учрамайди, унда муайян графема маълум бир фонемани ифодалаб келади (“нг” бундан мустасно). Инглиз тилидаги бундай фарқ, ўз навбатида, сўзларнинг ёзилиши билан талаффузига ўргатишни биргаликда олиб боришни талаб қилади. Бундай бирликка эришишнинг асосий шартларидан бири инглиз тилидаги сўз структураларининг илк хусусиятларини билиш ва унинг конструктив элементи бўлмиш бўғинга бўлган муносабатини тўғри тушунтира билишдир.

Ўзбек тилида сўзнинг агглютинатив характери унга ҳар хил аффикснларнинг қўшилиши мумкинлиги ва бу аффикслар маълум бир функциянигина бажариб келиши билан ифодаланса ҳамда сўзларда бўғинлар сони ўн беш ва ундан ҳам кўпроқ бўлишлиги билан ажралиб турса, инглиз тилида бўғинларнинг сони сўзларда энг кўпи билан саккизтагача бўлиши мумкин [2.540]. Бундан ташқа-

ри, ҳар бир сўздаги бўғинлар бир-бири билан мустаҳкам бирикиб, маълум бир акцент-ритмик структурага бўйсунади [3.78].

Лексик бирликларни ўрганишда уларнинг конструктив элементи бўлмиш бўғин аҳамиятининг катталиги унинг бир неча хил типларга бўлиниши билан ҳам исботланиши мумкин. Умуман, бўғин – бу бўғин ясовчи ва унга нисбатан кучсизроқ товушлардан ташкил топган нутқ бўлаги бўлиб, унинг очиқ, ёпиқ, ярим очиқ ва ярим ёпиқ каби турлари мавжуддир. Бўғиннинг тури унли товушга қўшни бўлган ундошлар билан ёки унли товуш атрофидаги бўғин элементлари билан муносабатдан келиб чиқади. Аммо, қуйидаги инглиз сўзида “daughter” уч унли ва бешта ундош ҳарф иштирок этса, унинг талаффузида [do:tə] фақат икки унли ва иккита ундош товуш иштирок этади. Ёзувдаги ва ўқилишдаги бундай номутаносиблик ҳолларини бартараф қилиш мақсадида сўзлардаги икки хил бўғин турларини ифодалаш учун бўғиннинг орфографик ва орфоэпик турларини фарқлаш лозим. Масалан, юқоридаги сўз фонетик жиҳатдан [do:-tə] тарзида бўлиниб, икки очиқ бўғиндан ташкил топса, унинг орфографик бўлиниши “daugh-ter” тарзида бўлиб, икки тўла ёпиқ бўғиндан ташкил топади. Бу сўзлардаги ҳарфларнинг товуш ифодасини тушунтириш учун анъанавий фонетикада “a” ҳарфининг [o:] товушини ва “-er” ҳарф бирикмасининг нейтрал [ə] унлисини беришидан фойдаланамиз.

Инглиз ва ўзбек тилидаги сўзларда бўғиннинг юқорида айтиб ўтилган тўртта фонетик типи учрайди, масалан:

1.Тўла очиқ бўғин типи (ёлғиз унлининг ўзидан ташкил топади) V; [ə’gein] – again, [ɑ:] – are у;

2.Тўла ёпиқ бўғин типи – CVC: [bed] - bed, [buk] - book, [træm] - tram, бор, биз;

3.Ярим очиқ бўғин типи – CV: [tu] - |to, [ti:tʃə] - teacher, то;

4.Ярим ёпиқ бўғин типи – VC: [ət] - at, [æz] - as, от, уч, он; (бунда “V” белгиси бўғинда унли товушнинг шартли белгиси сифатида, “C” эса ҳар қандай ундош товушнинг фонетик белгиси сифатида қаралади).

Кўп бўғинли инглиз сўзларида сўз урғусининг орфографик бўғиндаги унлига таъсири анча каттадир. Урғули бўғиндаги унлилар, одатда, алифбодаги ўқилишига эга бўладилар (биринчи тип бўғин ўқилиши). Масалан, take-[teik] - *олмоқ,* pupil-[pju:pl] - *ўқувчи,* robe-[roub] - *чопон,* (good)-bye-[bai] - *ҳайр,* thirteen-[θə:ti:n] - *ўн уч,* fine-[fain] - *ажойиб* ва ҳоказо. Орфографик бўғиндаги унлининг талаффузини белгилаб берувчи факторлардан яна бири унинг атрофидаги ундошларнинг хусусиятларидир.

Юқорида келтирилган бўғин турлари икки тилда бир хил бўлса-да, уларнинг фонетик кўринишлари бир-биридан фарқ қилади. Инглиз ва ўзбек тилларидаги тўла очиқ бўғин типи бир хил кўринишга эга – V; тўла ёпиқ бўғин эса ундошларнинг иштирок этиш даражасига кўра жуда хилма-хилдир: CVC, CVCC, CVCCC, CVCCCC; CCVC, CCVCC, CCVCCC, CCVCCCC; CCCVC, CCCVCC, CCCVCCC. Бу бўғин типларидан баъзилари мураккаб бўлиши билан бирга, мактаб лексикасининг анчагина қисмини ташкил этади. Масалан, text-[tekst] - CVCCC – *текст,* spring-[spriŋ] - CCCVC – *баҳор*, sixths-[siksθs] - CVCCCC – олтинчи(си) ва ҳоказо. Бундай бўғин структурасига эга бўлган сўзларнинг соф ўзбек сўзларида йўқлигини назарга олсак, фонетик ҳодисанинг ўқитиш процессидаги моҳияти яна ҳам яққолроқ кўринади. Протеза ҳодисаси, яъни ундош бирикмалар ўртасига ҳар хил тор унлиларни қўшиб талаффуз қилиш ана шундай асосга эга бўлиб, инглиз тилида бу ҳодиса сўзларнинг маъносини ўзгартириб юбориши мумкин. Масалан, sends-[sendz] (V) – (у) *жўнатади* сўзидаги бўғин ва сўз охиридаги ундош бирикма орасига тор [ə] унлисининг қўшилиши ва [sendəz] сифатида талаффуз қилиниши маъно ўзгаришига олиб келади: (sendəz>senders) – *жўнатувчилар*. Asked сўзининг [ɑ:skid] - сўзи сифатидаги талаффузи эса нофенематик хато бўлсада, у сўзнинг акцент-ритмик бирлигининг бузилишига олиб келади.

Чет тиллар мактаб программасига кўра ўқув жараёни давомида ўқувчилар маълум миқдордаги (1200дан ортиқ) лексик бирликни билишлари шарт. Бу бирликларнинг қарийб тўртдан бирини мураккаб бўғин типларидан ташкил топган сўзлар ташкил этади: close, camp, dance, strong, press, please, quite, school ва ҳоказолар. Инглиз тилининг фонетик структураси сўз ва бўғинларда бир неча ундошларнинг иштирок этиши билан характерланса, ўзбек тилида, юқорида айтиб ўтганимиздек, бундай ҳодиса учрамайди. Бу ҳол ўзбек ўқувчиларига инглиз тилини ўрганишда ҳар хил қийинчиликларга олиб келади. Бундай ҳолларда инглиз тилидаги орфографик бўғин типларининг хусусиятларини бўғинлардаги унли ҳарфларнинг ўқилиш турлари билан тушунтириш мумкин. Қоидадан мустасно ҳолатлар, албатта, алоҳида тушунтирилмоғи керак.

Фонетик бўғин типларини ва уларнинг ҳар хил кўринишларини ўрганишдан асосий мақсад ўқувчилар ўрганиши керак бўлган лексик бирликларни тўғри, адабий нормага яқин талаффуз қила олишда нутқ кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Адабиётлар:

1. Abduazizov A.A. English phonetics a theoretical course.- T., 2006.
2. D. Jones. Everyman's English pronouncing dictionary. London., 1958.
3. Alimardanov R.A. Pronunciation theory of English, Tashkent, 2009.

Андижон давлат университети,
2012 йил 26 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. С.Раҳимов)